БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 182 (11.931)

Шанба 5 август 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставининг проекти эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми маъқуллаган Устав проекти ҳамманинг танишиб чиқиши ва КПССнинг барча аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларнинг муҳокама қилишлари учун эълон қилинади. Муҳокама якунлари Устав проектини узил-кесил қараб чиқиш вақтида ҳисобга олинади.

Партиянинг янги Устави Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездининг қараб чиқиши ва тасдиқига тақдим этилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ПРОЕКТ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

УСТАВИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет халқининг СССР ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва интеллигенциясининг илғор, энг онгли қисмини ихтиёрий асосларда бирлаштирувчи жанговар синалган авангардидир.

В. И. Ленин ишчилар синфининг илғор отряди сифатида асос солган Коммунистик партия шонли кураш йўлини босиб ўтди, ишчилар синфини ва меҳнаткаш деҳқонларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига, СССРда пролетариат диктатурасининг ўрнатилишига олиб келди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида Совет Иттифоқида эксплуататор синфлар тугатилди, совет жамиятининг мазмунини ва сиёсий бирлиги таркиб топди ва мустаҳкамланди. Социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Коммунистик партия, ишчилар синфининг партияси эндиликда бутун совет халқининг партияси бўлиб қолди.

Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. Партия ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучидир. Партия совет халқининг буюк яратувчилик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг пировард мақсадга — коммунизм ғалабасига эришиш йўлидаги курашига ташкилий, планли, илмий жиҳатдан асосланган характер беради.

КПСС ўз ишини партия турмушининг ленинча нормаларига, коллектив раҳбарлик принципига оғишмай амал қилиш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантириш асосига қуради.

Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми — КПСС ҳаётининг бузилмас қонунидир. Фракциячилик ва группабозликнинг ҳар қандай кўриниши марксча-ленинча партиявийликка хилоф бўлиб, бундай қилган киши партия сафларида бўлиши мумкин эмас.

КПСС ўзининг бутун фаолиятида марксча-ленинча таълимотга, шу таълимот асосида ишлаб чиқилган Программага амал қилади, бу Программада партиянинг коммунистик жамият қуриш давридаги асосий вазифалари белгилаб берилган.

КПСС марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантира бориб, революцион назарияга мутлақо ёт бўлган ревизионизм ва догматизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қаттиқ кураш олиб боради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ажралмас, таркибий қисмидир. У пролетар интернационализмининг синалган марксча-ленинча принципларида қаттиқ туради, бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини, барча мамлакатлардаги коммунистларнинг буюк армияси билан қардошларча алоқаларини мустаҳкамлашга актив ҳаракат қилади.

I.

Партия аъзолари, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари

1. Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади.

2. Партия аъзоси:

а) коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кўпроқ унумли меҳнат қилиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатиши, меҳнат унумдорлигини ошириши, ҳамма янги, прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиши, илғор тажрибани қувватлаши ва ёйиши, техникани эгаллаб бориши, ўз малакасини ошириши, Совет Ватанининг қудрати ва равнақининг негизи бўлган ижтимоий, социалистик мулкни сақлаши ва кўпайтириши лозим;

б) партия қарорларини қатъий ва оғишмай амалга ошириши, партия сиёсатини оммага тушунтириши, партиянинг халқ билан алоқаларининг мустаҳкамланиши ва кенгайишига кўмаклашиши, кишиларга сезгирлик ва эътибор билан қараши, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериши лозим;

в) мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат ишларини бошқаришда, хўжалик ва маданий қурилишда актив иштирок этиши, ижтимоий бурчни бажаришда ўрнак кўрсатиши, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам қилиши лозим;

г) марксча-ленинча назарияни эгаллаши, ўз ғоявий савиясини ошириши, коммунистик жамият кишисининг шакланиши ва тарбияланишига кўмаклашиши лозим. Буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига, хусусий мулкчилик психологиясининг қолдиқларига ва ўтмишнинг бошқа сарқитларига қарши кураш олиб бориши, коммунистик ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, жамоат манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўйиши лозим;

д) социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги идеяларини меҳнаткаш оммага сингдиришда актив иштирок этиши, миллатчилик ва шовинизм сарқитларига қарши кураш олиб бориши, СССР халқлари дўстлигини, совет халқининг социалистик лагерь мамлакатлари халқлари билан, барча мамлакат пролетарлари ва меҳнаткашлари билан қардошларча алоқаларини мустаҳкамлашга сўз ва иш билан кўмаклашиши лозим;

е) партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини бутун чоралар билан ҳимоя қилиши, партияни унинг сафларига коммунист деган юксак номга номуносиб кишиларнинг кириб қолишидан эҳтиёт қилиши, партия олдида ростгўй ва ҳалол бўлиши, ҳушёрлик кўрсатиши, партия ва давлат сирини сақлаши лозим;

ж) танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириши, камчиликларни дадил очиб ташлаши ва уларнинг бартараф қилинишига эришиши, тантанабозликка, манманликка, хотиржамликка, маҳаллийчиликка қарши кураш олиб бориши, танқидни бўғиб қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин зарба бериши, партия ва давлатга зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши чиқиши ва бундай ҳаракатлар тўғрисида партия органларига, то КПСС Марказий Комитетигача хабар қилиши лозим;

з) партиянинг кадрларни уларнинг сиёсий савияси ва иш қобилиятига қараб танлаш йўлини оғишмай амалга ошириши лозим. Кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг ленинча принципларини бузилган барча ҳолларга муросасиз бўлиши лозим;

и) партиянинг барча аъзолари учун баббаравар мажбурий бўлган партия ва давлат интизомига риоя қилиши лозим. Партияда барча коммунистлар учун, уларнинг хизмати ва эгаллаб турган вазифасидан қатъи назар, бир интизом ва бир қонун бор.

3. Партия аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) партия органларига сайлаши ва сайланиши мумкин;

б) партиянинг сиёсати ва амалий фаолияти масалаларини партия мажлисларида, конференцияларида, съездларида, партия комитетларининг мажлисларида ва партия матбуотида эркин муҳокама қилиши, таклифлар киритиши, ташкилот карор қабул қилганига қадар ўз фикрини очиқ айтиб чиқиши ва ҳимоя қилиши мумкин;

в) партия мажлисларида, конференцияларида, съездларида, комитетларининг пленумларида ҳар бир коммунистни, унинг эгаллаб турган вазифасидан қатъи назар, танқид қилиши мумкин. Танқидни бўғишда ва танқид қилинганлиги учун таъқиб қилишда айбдор бўлган шахслар КПСС сафларидан чиқарилишга қадар қатъий партия жавобгарлигига тортилишлари лозим;

г) ўз фаолияти ёки хатти-ҳаракати тўғрисидаги масада муҳокама қилинадиган партия йиғилишларида, бюро ва комитетларининг мажлисларида шахсан иштирок этиши мумкин;

д) Партиянинг ҳар қандай инстанциясига, ҳатто КПСС Марказий Комитетига ҳам, масалалар, аризалар ва таклифлар билан мурожаат қилиши ва ўз мурожаатига тегишлича жавоб берилишини талаб қилиши мумкин.

4. Партияга аъзолар фақат якка-якка тартибда қабул қилинади. Партия аъзолигига ишчи, деҳқон ва интеллигенция орасидан чиққан онгли, актив ва коммунизм ишига содиқ меҳнаткашлар қабул қилинади. Янги аъзолар белгиланган кандидатлик стажини ўтган кандидатлардан қабул қилинади.

Партияга 18 ёшга етган кишилар қабул қилинади. 20 ёшгача бўлган ёшлар партияга фақат ВЛКСМ орқали қабул қилинади.

Кандидатлардан партия аъзолигига қабул қилиш тартиби қуйидагича:

а) партияга аъзо бўлиб кирувчилар улар билан камида бир йил бирга ишлаб таниган ва камида уч йиллик партия стажига эга бўлган уч партия аъзосининг рекомендацияларини тақдим этишлари лозим.

Биринчи эслатма. ВЛКСМ аъзоларини партияга қабул қилишда ВЛКСМ район комитетининг берган рекомендацияси бир партия аъзосининг рекомендацияси ўрнига ўтади.

Иккинчи эслатма. КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар рекомендация бермайдилар;

б) партияга қабул қилиш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама этилади ва ҳал қилинади; йиғилишнинг қарори район партия комитети, районларга бўлинмаган шаҳарларда эса шаҳар партия комитети тасдиқлагандан кейин кучга киради.

Партияга қабул қилиш масаласи муҳокама қилинаётганда рекомендация берувчиларнинг ҳозир бўлиши шарт эмас;

в) илгари бошқа мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партияларининг аъзолари бўлган СССР гражданлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига КПСС Марказий Комитети белгилаб берадиган қоидалар асосида қабул қилинади.

Илгари бошқа партияларда бўлган кишилар КПСС га умумий асосларда қабул қилинади, лекин область, ўлка комитетларининг, иттифоқчи республика компартиялари Марказий Комитетларининг тасдиқлаши шарт.

5. Рекомендация берувчилар рекомендация қилинган кишиларнинг ишчанлик ва сиёсий сифатларига берилган характеристиканинг объективлиги учун партия ташкилотлари олдида жавобгардирлар.

6. Партия аъзолигига кирувчиларнинг партия стажи бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишининг шу кандидатнинг партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилган кундан ҳисобланади.

7. Партия аъзоларини ва партия аъзолигига кандидатларни учётга олиш ва уларнинг бир ташкилотдан бошқа ташкилотга ўтиш тартиби КПСС Марказий Комитетининг тегишли инструкциялари билан белгиланади.

8. Узрсиз сабаблар билан уч ой мобайнида аъзолик взносларини тўламаган партия аъзолари ва кандидатлари бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилиниши керак. Агар муҳокама вақтида шу партия аъзоси ёки партия аъзолигига кандидат ҳақиқатда партия ташкилоти билан алоқани узиб қўйганлиги аниқланса, у партиядан чиққан ҳисобланади, бу ҳақда бошланғич партия ташкилоти қарор чиқаради ва бу қарорни район ёки шаҳар партия комитетининг тасдиқига киритади.

9. Партия аъзоси Уставда кўрсатилган вазифаларни бажармаганлиги ва бошқа ножўя ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилади, унга огоҳлантириш, виговор (қаттиқ виговор) бериш, учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор (қаттиқ виговор) бериш каби жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Партиянинг энг юқори жазо чораси партиядан ўчиришдир.

Партия ташкилоти зарур ҳолларда партия йўли билан бериладиган жазо чораси сифатида партия аъзосини кўпи билан бир йил муддатгача кандидатликка кўчира олади. Бошланғич партия ташкилотининг партия аъзосини кандидатликка кўчириш тўғрисидаги қарори район ёки шаҳар партия комитети томонидан тасдиқланиши керак. Кандидатликка кўчирилган киши белгиланган муддатни ўтганидан кейин, партия аъзолигига умумий асосларда қабул қилинади ва унинг илгариги партия стажи сақланади.

Кичик айблар учун ўртоқлик танқиди, партия ҳайфсани, огоҳлантириши ёки кўрсатиши каби партия тарбияси ва таъсир чоралари қўлланилиши лозим.

Партиядан чиқариш масаласи ҳал қилинаётган вақтда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш ва партия аъзосининг устига қўйилган айбларнинг асослими-йўқми эканлигини диққат билан ва синчиклаб текшириш лозим.

10. Коммунистни партиядан чиқариш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий мажлисида ҳал қилинади. Бошланғич партия ташкилотининг партиядан чиқариш тўғрисидаги қарори бу қарорга мажлисда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади ва у область комитети, ўлка комитети, иттифоқчи республика компартияси Марказий Комитети тасдиқлагандан кейин кучга киради.

КПСС дан чиқариш тўғрисидаги қарорни область комитети, ўлка комитети ёки иттифоқчи республика компартиясининг Марказий Комитети тасдиқ қилгунга қадар партия билети коммунистнинг қўлида туради ва у партиянинг ёпиқ мажлисларида қатнашишга ҳақли бўлади.

Партиядан чиқарилган киши икки ой муддат ичида юқори партия органларига, ҳатто КПСС Марказий Комитетига шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

11. Иттифоқчи республика компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва аъзолигига кандидатларни, шунингдек ревизия комиссияларининг аъзоларини партия жавобгарлигига тортиш масаласи бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинади.

Партия ташкилотларининг шу партия комитетлари аъзоларига ва аъзолигига кандидатларга ҳамда ревизия комиссиялари аъзоларига жазо бериш тўғрисидаги қарорлари одатдаги тартибда қабул қилинади.

Партия ташкилотларининг КПСС дан чиқариш тўғрисидаги таклифлари шу коммунист аъзо бўлган тегишли партия комитетига маълум қилинади. Иттифоқчи республика компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзоларини ва аъзолигига кандидатларни ҳамда ревизия комиссиялари аъзоларини партиядан чиқариш тўғрисидаги қарорлар тегишли комитетнинг пленумида пленум аъзоларининг кўпчилиги — учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

КПСС Марказий Комитети аъзосини ва аъзолигига кандидатни ҳамда Марказий Ревизия Комиссияси аъзосини партиядан чиқариш масаласини партия съезди, съездлар ўртасидаги даврда эса Марказий Комитет Пленуми Марказий Комитет аъзоларининг кўпчилиги учдан икки қисми овози билан ҳал қилинади.

12. Агар партия аъзоси жиноий жавобгарликка тортиладиган айб қилган бўлса, у партиядан чиқарилади ва Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

13. Партиядан чиқарилганларнинг ёки жазо олганларнинг шикоят аризалари, шунингдек партия ташкилотларининг партиядан чиқариш тўғрисидаги қарорлари тегишли партия органларида шу ариза ва қарорлар олинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

II.

Партия аъзолигига кандидатлар

14. Партияга кирувчи кишиларнинг ҳаммаси КПСС Программаси ва Устави билан танишиш учун ҳамда партия аъзолигига киришга тайёрланиш учун зарур бўлган кандидатлик стажини ўтади. Партия ташкилоти кандидатнинг КПСС аъзолигига киришга тайёрланиши учун ёрдам бериши ва унинг шахсий сифатларини текшириши лозим.

Кандидатлик стажининг муддати бир йил белгиланади.

15. Партия аъзолигига қабул қилиш тартиби (якка-якка қабул қилиш, рекомендациялар тақдим этиш, бошланғич ташкилотнинг қабул қилиш тўғрисидаги қарори ва уни тасдиқлаш) қандай бўлса, кандидатликка қабул қилиш тартиби ҳам худди шундай бўлади.

16. Кандидатлик стажи тўлиши билан бошланғич партия ташкилоти кандидатни партия аъзолигига қабул қилиш масаласини қараб чиқади ва ҳал қилади. Агар кандидатлик стажини ўташ вақтида ўзини кўрсатмаган бўлса ва ўзининг шахсий сифатларига кўра КПСС аъзолигига қабул қилишга номуносиб бўлиб чиқса, у ҳолда партия ташкилоти уни партия аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу қарор район ёки шаҳар партия комитети томонидан тасдиқлангач, у КПСС аъзолигига кандидатликдан чиққан ҳисобланади.

17. Партия аъзолигига кандидатлар партия ташкилотининг бутун фаолиятида иштирок қиладилар ва партия йиғилишларида маслаҳат овози ҳуқуқидан фойдаланадилар. Партия аъзолигига кандидатлар раҳбар партия органларига сайлана олмайдилар, партия конференцияларига ва съездларига делегат бўлиб сайлана олмайдилар.

18. Партия аъзолари қанча миқдорда партия взносларини тўласалар, КПСС аъзолигига кандидатлар ҳам шунча миқдорда взнос тўлайдилар.

III.

Партиянинг ташкилий тузилиши. Партия ички демократияси

19. Партиянинг ташкилий тузилишининг раҳбар принципи демократик централизм бўлиб, бунинг маъноси шуки:

а) партиянинг қуйи органларидан тортиб юқори органларигача барча раҳбарлик органлари сайлаб қўйилади;

б) партия органлари ўз партия ташкилотлари олдида ва юқори органлари олдида вақт-вақти билан ҳисоб бериб турадилар;

в) партия интизомига қаттиқ риоя қилинади ва озчилик кўпчиликка бўйсунади;

г) юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар учун мутлақо мажбурийдир.

20. Партия территориал-ишлаб чиқариш белгисига қараб тузилади: бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг ишлаб турган жойига қараб тузилади ва территорияга қараб район, шаҳар ташкилотларига ва шу каби ташкилотларга бирлашади. Муайян территорияда иш олиб борувчи ташкилот шу территориянинг қисмларида иш олиб борувчи барча партия ташкилотларига нисбатан юқори ташкилот ҳисобланади.

21. Барча партия ташкилотлари маҳаллий масалаларни мустақил ҳал қиладилар, лекин уларнинг чиқарган қарорлари партия сиёсатига зид бўлмаслиги керак.

22. Партия ташкилотининг юқори органи: умумий йиғилиш (бошланғич ташкилотлар учун), конференция (район, шаҳар, округ, область, ўлка ташкилотлари учун), съезд (иттифоқчи республика компартиялари учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учундир.

23. Умумий йиғилиш, конференция ёки съезд бюро ёки комитет сайлайди, бу бюро ёки комитет ижро қилувчи орган бўлиб, партия ташкилотининг барча кундалик ишларига раҳбарлик қилади.

24. Партия органларини сайлаш ёпиқ (яширин) овозга қўйиш йўли билан ўтказилади. Партиянинг ҳамма аъзолари сайлов вақтида кандидатларга отвод бериш учун ва уларни танқид қилиш учун чекланмаган ҳуқуққа эгадирлар. Ҳар бир кандидатура алоҳида-алоҳида овозга қўйилиши лозим. Йиғилиш, конференция ёки съезд иштирокчиларининг ярмидан кўпининг овозини олган кандидатлар сайланган ҳисобланади.

25. Партия органларини сайлаш вақтида улар составини мунтазам суратда янгилаб туриш ва раҳбарликнинг давомийлиги принципига риоя қилинади.

Навбатдаги ҳар бир сайловда КПСС Марказий Комитети ва унинг Президиуми составининг камида тўртдан бир қисми янгиланади. Президиум аъзолари, қоида тариқасида, кўпи билан кетма-кет уч чақириққа сайланадилар. Партиянинг катта обрў қозонган, юксак сиёсий, ташкилотчилик ва бошқа сифатларга эга бўлган у ёки бу арбоблари раҳбар органларга кетма-кет узоқроқ муддатга сайланишлари мумкин. Бундай ҳолда тегишли кандидат ёпиқ (яширин) овозга қўйиш вақтида овозларнинг камида тўртдан уч қисмини олган тақдирдагина сайланган ҳисобланади.

Навбатдаги ҳар бир сайловда иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область комитетлари составининг камида учдан бир қисми янгиланади; округ, шаҳар ва район партия комитетлари составининг, партия комитетлари ёки бошланғич партия ташкилотлари бюроси составининг камида ярми янгиланади. Шу билан бирга мазкур раҳбар партия органларининг аъзолари кўпи билан уч муддатга кетма-кет сайланишлари мумкин. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари кўпи билан икки чақириққа кетма-кет сайлана оладилар.

Партия ташкилоти у ёки бу ходимни, унинг сиёсий ва ишчанлик сифатларига қараб, раҳбар органлар составига узоқроқ муддатга ҳам сайлаши мумкин. Бундай ҳолда сайланиш учун овоз беришда қатнашган коммунистларнинг камида тўртдан уч қисмининг овоз бериши талаб қилинади.

Раҳбар партия органининг составидан бу составда бўлиш муддати тугаганлиги сабабли чиқиб қолган партия аъзолари кейинги сайловларда яна сайланишлари мумкин.

26. КПСС Марказий Комитети аъзоси ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат ўзининг бутун фаолияти билан партиянинг унга кўрсатган юксак ишончини оқлаши керак. Агар КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ёки аъзолигига кандидат ўз шаъни ва обрўсига доғ тушургудек бўлса, унинг Марказий Комитет составида қолиши мумкин эмас. Марказий Комитет аъзосини, аъзолигига кандидатни КПСС Марказий Комитети составидан чиқариш масаласи Марказий Комитет Пленумида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Қарор КПСС Марказий Комитети барча аъзоларининг камида учдан икки қисми шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Иттифоқчи республика Компартияси Марказий Комитетининг, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларининг аъзоларини, аъзолигига кандидатларни партия органи составидан чиқариш масаласи тегишли комитет пленумида ҳал қилинади. Қарор ёпиқ (яширин) овоз бериш вақтида шу комитет жами аъзоларининг камида учдан икки қисми шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Агар Марказий Ревизия Комиссиясининг аъзоси партия унга кўрсатган юксак ишончни оқламаса, у комиссия составидан чиқарилиши керак. Бу масала Марказий Ревизия Комиссиясининг мажлисида ҳал қилинади. Қарор ёпиқ (яширин) овоз бериш вақтида Марказий Ревизия Комиссияси барча аъзоларининг камида учдан икки қисми Марказий Ревизия Комиссиясининг у ёки бу аъзосини шу комиссия составидан чиқаришни ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотлари Ревизия Комиссияларининг аъзоларини шу комиссиялар составидан чиқариш масаласи тегишли комиссияларининг мажлисларида партия комитетлари аъзолари ва аъзолигига кандидатлар учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

27. Партия сиёсати масалаларини айрим партия ташкилотларида ёки умуман партияда эркин ва ишчанлик билан муҳокама қилиш партия аъзосининг дахлсиз ҳуқуқидир ва партия ички демократиясининг муҳим принципидир. Фақат партия ички демократияси асосидагина, танқид ва ўз-ўзини танқид кучайтирилиши ва партия интизоми мустаҳкамланиши мумкин, партия интизоми эса юзаки интизом эмас, балки онгли интизом бўлиши керак.

Айрим ташкилотлар ёки умуман партия доирасида мунозарали масалалар ёки етарли аниқ бўлмаган масалалар бўйича дискуссия бўлиши мумкин.

Умумпартия миқёсида дискуссияни қуйидаги ҳоллардагина зарур деб топиш мумкин:

а) агар бу дискуссияни область ва республика миқёсидаги бир қанча партия ташкилотлари зарур деб топса;

б) агар Марказий Комитет ичида партия сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан етарли даражада мустаҳкам кўпчилик бўлмаса;

в) агар КПСС Марказий Комитети сиёсатнинг бирон-бир масаласи юзасидан бутун партия билан маслаҳатлашиши зарур деб топса.

Партия сиёсати масалалари бўйича кенг дискуссия, айниқса умумиттифоқ миқёсидаги дискуссия шундай ўтказилиши керакки, партия аъзоларининг ўз фикрларини бемалол ифодалай олишлари мумкин бўлсин ва партия бирлигини бузувчи фракцион группалар тузиш, партияни ажратиб юбориш учун интилишларга сира имкон қолмасин.

28. Партия раҳбарлигининг олий принципи — партия ташкилотларининг нормал ишлашининг, кадрларни тўғри тарбиялашнинг, коммунистлар активлиги ва ташаббусини ривожлантиришнинг зарур шарти бўлган коллективликдир. Партияда шахсга сиғинишга ва бунинг орқасида партия ички демократиясини бузишларга йўл қўйилмаслиги керак, бундай ҳоллар партия ҳаётининг ленинча принципларига хилофдир.

Коллектив раҳбарлик ходимларнинг топширилган иш учун шахсий жавобгарликдан соқит қилмайди.

29. Иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия Комитетлари ўз ишлари тўғрисида партия ташкилотларини системали равишда хабардор қилиб турадилар.

30. Партиянинг энг муҳим қарорларини муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш учун амалий тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида, шунингдек маҳаллий ҳаётга оид масалаларни қараб чиқиш мақсадида район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотлари ва иттифоқчи республикалар компартиялари активларининг йиғилишлари чақирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

У С Т А В И

(Бошн биринчи бетда).

IV.

Партиянинг юқори органлари

31. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг олий органи партия съездидир. Навбатдаги съездлар камида ҳар тўрт йилда бир марта чақирилади. Партия съездини чақириш ва кун тартиби съездан камида бир ярим ой илгари эълон қилинади. Навбатдан ташқари (фавқулодда) съездлар партия Марказий Комитети томонидан унинг ўз ташаббуси билан ёки сўнгги партия съездига вакил юборган партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг талаби билан чақирилади. Навбатдан ташқари (фавқулодда) съездлар икки ой муддат ичида чақирилади. Съезд барча партия аъзоларининг камида ярми вакил юборган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Партия съездига вакил юбориш нормаларини Марказий Комитет белгилайди.

32. Партия Марказий Комитети навбатдан ташқари (фавқулодда) съездни 31-моддада кўрсатилган муддатда чақирмаган тақдирда, навбатдан ташқари (фавқулодда) съезд чақиришни талаб қилган ташкилотлар навбатдан ташқари (фавқулодда) съезд чақиришда партия Марказий Комитети ҳуқуқларига эга бўладиган ташкилот комитети тузишга ҳақлидирлар.

33. Съезд:

а) Марказий Комитетнинг, Марказий Ревизия Комиссиясининг ва бошқа марказий ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитади ва тасдиқлайди;

б) партиянинг Программаси ва Уставини қайтадан кўриб чиқади, ўзгартиради ва тасдиқлайди;

в) ички ва ташқи сиёсат масалалари юзасидан партиянинг йўлини белгилайди ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини қараб чиқади ва ҳал қилади;

г) Марказий Комитетни ва Марказий Ревизия Комиссиясини сайлайди.

34. Марказий Комитет ва Марказий Ревизия Комиссияси съезд белгилаган составда сайланади. Марказий Комитетнинг аъзолари Марказий Комитетдан чиқиб қолган тақдирда Марказий Комитетнинг составн съезд томонидан сайланган КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар ҳисобидан тўлдирилади.

35. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети съездлар орасидаги даврда партиянинг, маҳаллий партия органларининг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, раҳбар кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, марказий давлат ташкилотларининг ва меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларининг ишларини улардаги партия группалари орқали йўналтириб туради, партиянинг турли органлари, муассасалари ва корхоналарини тузади ҳамда уларнинг ишларига раҳбарлик қилади, ўз контроли остида ишлайдиган марказий газета ва журналларнинг редакцияларини тайинлайди, партия бюджетининг маблағларини тақсимлайди ва унинг ижросини контроль қилади.

Марказий Комитет бошқа партиялар билан алоқаларда КПСС номидан иш кўради.

36. КПСС Марказий Комитети ўз иши тўғрисида партия ташкилотларини мунтазам равишда хабардор қилиб туради.

37. Марказий Ревизия Комиссияси партиянинг марказий органларида ишларнинг қанчалик тез ва тўғри бажарилаётганлигини, партия Марказий Комитетининг кассасини ва корхоналарини ревизия қилиб туради.

38. КПСС Марказий Комитети олти ойда камида бир марта пленум мажлиси ўтказади. Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар Марказий Комитетнинг Пленумларида маслаҳат овози билан қатнашади.

39. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети пленумлар ўртасидаги даврда Марказий Комитетнинг ишларига раҳбарлик қилиш учун Президиум; кундалик ишларга, асосан кадрлар танлаш ва ижронинг текширилишини ташкил этишга раҳбарлик қилиш учун Секретариат сайлайди; КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюросини тузади.

40. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Марказий Комитет ҳузурида Партия Контроль Комитетини тузади.

Партия Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроль Комитети:

а) КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатларининг партия интизомига риоя қилишини текшириб туради, партия Программаси ва Уставини, партия ва давлат интизомини бузишда айбдор бўлган коммунистларни, шунингдек партия ахлоқини бузувчиларни жавобгарликка тортади;

б) иттифоқчи республикалар коммунистик партиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг партиядан чиқариш ва партия жазоси бериш ҳақидаги қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини кўриб чиқади.

V.

Партиянинг республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район ташкилотлари

41. Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия ташкилотлари ва уларнинг комитетлари ўз фаолиятларида КПССнинг Программаси ва Уставига амал қиладилар, республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район доирасида партия сиёсатини амалга оширишга оид барча ишларга раҳбарлик қиладилар. КПСС Марказий Комитети директиваларининг бажарилишини уюштирадилар.

42. Республика, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия ташкилотларининг, уларнинг раҳбар органларининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

а) омма орасида сиёсий ва ташкилий ишлар олиб бориш, оммани коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бутун чоралар билан ривожлантиришга, давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар қилиш; меҳнаткашларнинг модднй фаровонлиги ва маданий савиясини тўхтовсиз ошириб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

б) идеологик ишларни ташкил қилиш, марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш, маҳаллий матбуот, радио ва телевиденига раҳбарлик қилиш, маданий-оқартув муассасаларининг ишлари устидан контроль қилиш;

в) Советларга, касаба союзларига, комсомолга, кооперацияга ва бошқа жамоат ташкилотларига улардаги партия группалари орқали раҳбарлик қилиш, меҳнаткашларни мазкур ташкилотларнинг ишларига тобора кўпроқ жалб қилиш, социалистик давлатдан тобора коммунистик жамоат ўзўзини идора органига ўтишнинг зарур шарти сифатида оммaнинг ташаббуси ва активлигини ошира бориш.

Партия ташкилотлари совет, касаба союз, кооператив ташкилотларининг ва меҳнаткашларнинг бошқа жамоат ташкилотларининг ишларини ўз устларига олмайдилар, партия органларининг функциялари билан бошқа органлар функцияларининг аралаштириб юборилишига, ишда керaксиз параллелизмга йўл қўймайдилар;

г) раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни коммунистик ғоявийлик, ҳалоллик ва ростгўйлик руҳида, топширилган иш учун партия ва халқ олдида юксак масъулият ҳис қилиш руҳида тарбиялаш;

д) коммунистларни штатдан ташқари ходимлар сифатида, корхоналарда, совхозларда ва колхозларда жамоат бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

е) оммавий агитация ва пропаганда ишини олиб боради, оммани коммунизм руҳида тарбиялайди, давлат ва жамоат ишларини бошқариш малакасини ҳосил қилишда меҳнаткашларга ёрдам беради;

ж) танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш асосида бюрократизм, маҳаллийчилик кўринишларига қарши, давлат интизомини бузишга қарши кураш олиб боради, давлатни алдаш учун бўлган уринишларга барҳам беради, корхоналар, колхозлар ва муассасалардаги бўшангликка, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши чоралар кўради;

з) округ комитетининг, шаҳар комитетининг, район комитетининг бутун фаолиятида унга ёрдам беради ва ўз иши тўғрисида унга ҳисоб бериб туради.

Партия ташкилоти ҳар бир коммунистнинг ўзининг бутун ҳаётида КПСС Программасида баён қилинган қуйидаги ахлоқ принципларига риоя қилишига ва уларни меҳнаткашлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим:

— коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат;

— жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: ишламаган — тишламайди;

— жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши;

— ижтимоий бурчни яхши англаш, жамият манфаатларини бузишга асло йўл қўймаслик;

— коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;

— кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар;

— жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софлик, оддийлик ва камтарлик;

— оилада ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

— адолатсизликка, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастликка муросасизлик;

— СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик;

— коммунизмнинг, тинчлик ва халқлар озодлиги ишининг душманларига муросасизлик;

— ҳамма мамлакат меҳнаткашлари билан, ҳамма халқлар билан қардошларча бирдамлик.

59. Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг, совхозларнинг, колхозларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган проектлаш ташкилотларининг, конструкторлик бюроларининг, илмий-тадқиқот институтларининг бошлангич партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Министрликларнинг, давлат комитетларининг, халқ хўжалик кенгашларининг ҳамда бошқа марказий ва маҳаллий совет, хўжалик муассаса ва бошқармаларининг маъмурият фаолиятини контроль қилиш функцияларидан фойдаланмаган партия ташкилотлари аппарат ишини такомиллаштиришга, ходимларни топширилган иш учун юксак масъулият сезиш руҳида тарбиялашга актив таъсир қилишлари, давлат интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини кўришлари, бюрократизм ва саноллорликка қарши кескин кураш олиб боришлари, муассасалар ишидаги, шунингдек айрим ходимлар ишидаги камчиликлар тўғрисида, уларнинг эгаллаб турган вазифаларидан қатъи назар, ўз вақтида тегишли партия органларини хабардор қилиб туришлари лозим.

VI.

Бошланғич партия ташкилотлари

53. Партиянинг асоси—бошланғич ташкилотлардир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия аъзолари ишлайдиган жойда—заводлар, фабрикалар, совхозлар ва бошқа корхоналарда, колхозларда, Совет Армиясининг қисмларида, муассасаларда, ўқув юртларида ва шу каби жойларда — камида уч партия аъзоси бўлган тақдирда тузиладн. Коммунистлар яшайдиган қишлоқ жойларда ва уй бошқармалари қошида ҳам территориал бошланғич партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

54. 50 дан ортиқ партия аъзоси ва кандидати бўлган корхоналар, колхозлар, муассасаларда район, шаҳар, округ комитетининг рухсати билан умумий бошланғич партия ташкилоти ичида цехлар, участкалар, фермалар, бригадалар, бўлимлар ва ҳоказолар бўйича партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

Цех ва участка партия ташкилотлари ва шу каби бошқа партия ташкилотлар ичида, шунингдек партия аъзолари ва кандидатлари 50 дан кам бўлган бошланғич партия ташкилотлари ичида бригадалар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа звеноларн бўйича партия группалари тузилиши мумкин.

55. Бошланғич партия ташкилотининг юқори органи—камида ойда бир марта ўтказиладиган партия мажлисидир.

300 дан ортиқ коммунисти бўлган йирик партия ташкилотларида умумий партия мажлиси, зарурат туғилишига қараб, партия комитети томонидан белгиланадиган муддатларда ёки бир қанча цех партия ташкилотларининг талаби билан чақирилади.

56. Кундалик ишларни олиб бориш учун бошланғич, цех партия ташкилоти бир йил муддатга бюро сайлайди, унинг миқдори партия мажлиси томонидан белгилаб берилади. Партия аъзоларининг сони 15 дан кам бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида бюро эмас, балки партия ташкилотининг секретари ва унинг ўринбосари сайланади.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг партия стажи камида бир йил бўлиши шарт.

150 дан кам партия аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида, қонда тариқасида, маош олиб ишлайдиган партия ходимлари лавозими белгиланмайди.

57. Партия аъзолари ва кандидатларининг сони 300 дан ортиқ бўлган йирик корхоналар ва муассасаларда, зарур ҳолларда эса, ишлаб чиқариш хусусиятларини ва территориал тарқоқликни ҳисобга олиб туриб, 100 дан ортиқ коммунисти бўлган ташкилотларда ҳам область комитети, ўлка комитети, иттифоқчи республика компартияси Марказий Комитетининг рухсати билан партия комитетлари тузилиши мумкин, бу корхоналар, муассасаларнинг цех партия ташкилотларига бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқи берилади.

Колхозларнинг партия ташкилотларида 50 коммунист бўлган ҳолда партия комитетлари тузилиши мумкин.

Партия комитети бир йил муддатга сайланади, унинг составининг миқдори умумий партия мажлиси, конференция томонидан белгиланади.

58. Бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятида КПСС Программаси ва Уставига амал қилади. У меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг теварагига жипслаштиради, оммани партия сиёсатини амалга оширишга, коммунизм қуриш учун курашга сафарбар қилади.

Бошланғич партия ташкилоти:

а) КПССга янги аъзолар қабул қилади;

б) коммунистларни партия ишига садоқат, қатъий ғоявий эътиқод, коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайди;

в) коммунистларнинг марксча-ленинча назариями коммунистик қурилишнинг практикаси билан мустаҳкам боғлаб ўрганишини ташкил қилади, марксизм-ленинизмни ревизионистларча бузиш йўлида қилинган ҳар қандай уринишларга ва унинг догматик тарзда изоҳланишига қарши курашади;

г) коммунистларнинг меҳнатдаги, корхонанинг, колхознинг, муассасанинг, ўқув юртининг ва шу сингарларнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги авангардлик ролини оширш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

д) коммунистик қурилишнинг назбатдаги вазифаларини ҳал қилишда меҳнаткашларнинг ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқади, давлат планлари ва мажбуриятларини бажариш учун олиб бориладиган социалистик мусобақага бошчилик қилади, корхоналар ва колхозларнинг ички резервларини аниқлаш ва улардан яхши фойдаланишга, фан, техника ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга оммани сафарбар қилади, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб боришга, маҳсулот сифатини яхшилашга ҳаракат қилади, корхоналарда, совхозларда ва колхозларда жамоат бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

е) оммавий агитация ва пропаганда ишини олиб боради, оммани коммунизм руҳида тарбиялайди, давлат ва жамоат ишларини бошқариш малакасини ҳосил қилишда меҳнаткашларга ёрдам беради;

ж) танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш асосида бюрократизм, маҳаллийчилик кўринишларига қарши, давлат интизомини бузишга қарши кураш олиб боради, давлатни алдаш учун бўлган уринишларга барҳам беради, корхоналар, колхозлар ва муассасалардаги бўшангликка, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши чоралар кўради;

з) округ комитетининг, шаҳар комитетининг, район комитетининг бутун фаолиятида унга ёрдам беради ва ўз иши тўғрисида унга ҳисоб бериб туради.

Партия ташкилоти ҳар бир коммунистнинг ўзининг бутун ҳаётида КПСС Программасида баён қилинган қуйидаги ахлоқ принципларига риоя қилишига ва уларни меҳнаткашлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим:

— коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат;

— жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: ишламаган — тишламайди;

— жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши;

— ижтимоий бурчни яхши англаш, жамият манфаатларини бузишга асло йўл қўймаслик;

— коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;

— кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар;

— жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софлик, оддийлик ва камтарлик;

— оилада ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

— адолатсизликка, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастликка муросасизлик;

— СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик;

— коммунизмнинг, тинчлик ва халқлар озодлиги ишининг душманларига муросасизлик;

— ҳамма мамлакат меҳнаткашлари билан, ҳамма халқлар билан қардошларча бирдамлик.

59. Ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг, совхозларнинг, колхозларнинг, шунингдек, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган проектлаш ташкилотларининг, конструкторлик бюроларининг, илмий-тадқиқот институтларининг бошлангич партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Министрликларнинг, давлат комитетларининг, халқ хўжалик кенгашларининг ҳамда бошқа марказий ва маҳаллий совет, хўжалик муассаса ва бошқармаларининг маъмурият фаолиятини контроль қилиш функцияларидан фойдаланмаган партия ташкилотлари аппарат ишини такомиллаштиришга, ходимларни топширилган иш учун юксак масъулият сезиш руҳида тарбиялашга актив таъсир қилишлари, давлат интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини кўришлари, бюрократизм ва саноллорликка қарши кескин кураш олиб боришлари, муассасалар ишидаги, шунингдек айрим ходимлар ишидаги камчиликлар тўғрисида, уларнинг эгаллаб турган вазифаларидан қатъи назар, ўз вақтида тегишли партия органларини хабардор қилиб туришлари лозим.

VII.

Партия ва комсомол

60. Ёшларнинг ташаббускор жамоат ташкилоти бўлган Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи партиянинг актив ёрдамчиси ва резервидир. Комсомол ёшларни коммунизм руҳида тарбиялашда, уларни янги жамиятни амалда қуришга жалб этишда, коммунизм даврида яшайдиган, ишлайдиган ва жамоат ишларини бошқарадиган ҳар томонлама етук кишилар авлодини етиштиришда партияга ёрдам беради.

61. Комсомол ташкилотлари корхона, колхоз, муассаса ишига оид масалаларни муҳокама қилишда ва уларни тегишли партия ташкилотлари олдига қўйишда кенг ташаббус кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар амалда коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида, айниқса бошлангич партия ташкилотлари бўлмаган жойларда партия директиваларини турмушга актив татбиқ қилувчилар бўлишлари лозим.

62. ВЛКСМ ўз ишини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида олиб боради. ВЛКСМ маҳаллий ташкилотларининг иши тегишли республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотлари томонидан йўналтириб ва контроль қилиб турилади.

Маҳаллий партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида комсомол ташкилотларига таянадилар, уларнинг фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлайдилар ва ёрдилар.

63. Партия аъзоси ёки партия аъзолигига кандидат бўлган ВЛКСМ аъзолари, агар улар комсомол ташкилотларида раҳбар вазифаларда ишламасалар, партияга кирган пайтларидан бошлаб комсомолдан чиқиб қоладилар.

VIII.

Совет Армиясидаги партия ташкилотлари

64. Совет Армиясининг партия ташкилотлари Қуролли Кучларда партия сиёсатини амалга оширишни таъминлайдилар, уларнинг шахсий составини Коммунистик партия теварагига жипслаштирадилар, жангчиларни марксизм-ленинизм идеялари руҳида, социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялайдилар, армия билан халқнинг бирлигини мустаҳкамлашга актив ёрдам берадилар, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, шахсий составни жанговар ва сиёсий тайёргарлик вазифаларини бажаришга, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашга, ўз ҳарбий бурчини, қўмондонликнинг буйруқ ва фармойишларини бенуқсон бажаришга сафарбар қиладилар.

65. Қуролли Кучлардаги партия ишига раҳбарлик КПСС Марказий Комитети томонидан КПСС Марказий Комитетининг бўлими ҳуқуқида ишлайдиган Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси орқали амалга оширилади.

Округ ва флотлар сиёсий бошқармаларининг бошлиқлари, армиялар сиёсий бўлимларининг бошлиқлари беш йиллик партия стажига, қўшилмалар сиёсий бўлимларининг бошлиқлари эса уч йиллик партия стажига эга бўлишлари шарт.

66. Совет Армиясининг партия ташкилотлари ва сиёсий органлари маҳаллий партия комитетлари билан мустаҳкам алоқада бўладилар, уларни ҳарбий қисмлардаги сиёсий иш тўғрисида мунтазам суратда хабардор қилиб турадилар. Ҳарбий партия ташкилотларининг секретарлари ва сиёсий органларнинг раҳбарлари маҳаллий партия комитетларининг ишида иштирок қиладилар.

IX.

Партия ташкилотларидан бошқа ташкилотлардаги партия группалари

67. Совет, касаба союз, кооператив ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотлари томонидан чақириладиган съездларда, конференцияларда, кенгашларда, шунингдек бу ташкилотларнинг сайланиб қўйиладиган органларида, партия аъзолари уч кишидан кам бўлмаса, партия группалари ташкил этилади. Бу группаларнинг вазифаси — партиясизлар ўртасида партия таъсирини ҳар тарафлама кучайтириш ва партия сиёсатини ўтказишдан, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, бюрократизмга қарши кураш олиб боришдан, партия ва совет директиваларининг бажарилишини текширишдан иборатдир.

68. Партия группалари тегишли партия органларига: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, иттифоқчи республика компартиясининг Марказий Комитетига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетига бўйсунадилар.

Партия группалари барча масалаларда раҳбар партия органларининг қарорларига қатъиян ва оғишмай амал қилишлари лозим.

X.

Партиянинг пул маблағлари

69. Партиянинг ва унинг ташкилотларининг пул маблағлари аъзолик взносларидан, партия корхоналаридан келадиган даромадлардан ва бошқа тушумлардан иборат бўлади.

70. Партия аъзолари ва кандидатлари учун ойлик аъзолик взнослари қуйидаги миқдорда белгиланади:

ойлик иш ҳақи:		
50 сўмгача бўлганлар		10 тийин тўлайдилар
51 сўмдан 100 сўмгача бўлганлар		ойлик иш ҳақининг 0,5 процентини
101 сўмдан 150 сўмгача	» »	1,0 процентини
151 сўмдан 200 сўмгача	» »	1,5 процентини
201 сўмдан 300 сўмгача	» »	2,0 процентини
300 сўмдан ортиқ	» » »	3,0 процентини

тўлайдилар.

71. Партия аъзолигига кандидатликка кириш вақтида кириш взноси ойлик иш ҳақининг икки процентн миқдорида олинади.

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ — ХАЛҚ ПЛАНЛАРИ

ДАВРИМИЗНИНГ УЛУҒВОР ҲУЖЖАТИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ПОРЛОҚ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ САРИ ЧОРЛАМОҚДА

☆ ☆

БУЮК БАХТ

Олам-олам бўлиб, замон-замон бўлиб, инсоният тарихи бу қадар оқил, узоқни кўзловчи донишманд, меҳру-шафқати зўр, бахт-саодатга етакловчи раҳнамони — Коммунистик партия номли раҳнамони кўрмаган. Бу меҳрибон раҳнамоимиз тарихда биринчи марта социализм мамлакатини барпо этишда, социализмнинг Совет Иттифоқида тўла ва узил-кесил ғалабасини таъминлашда совет халқининг авангардига айланди, бутун халқнинг севимли, жонажон партияси бўлиб қолди. Эндиликда у олий мақсад — социализмдан коммунизмга ўтиш проблемаларини ҳар томонлама ишлаб чиқиб, янги, жуда улуғвор илмий жасорат кўрсатди.

Программа проектини ўқир экамиз, унинг ҳар бир сатрида жонажон партиямизнинг инсон бахт-саодати учун қилаётган ва мўлжалладётган бениҳоя зўр ғамхўрлиги барқ уриб турганини кўрамиз. Худди шунингдек, совет кишиларининг ўз раҳнамосига бўлган меҳр-муҳаббати, ҳурмат-садоқатини ҳис этамиз.

Халқимизнинг ўз партиясига бўлган ишончи, унинг ҳар бир чақиригига «лаббай» деб жавоб қайтаришини акс эттирувчи миллионлаб мисолларнинг бирини эслайман:

Тошкентнинг чекқасида яшовчи оддий бир темирчи Шоаҳмад Шомахмудов оғир уруш йилларида, фронт яқинидаги шаҳар-қишлоқлардан кўчириб келтирилган, ота-онасиз қолган гўдакларни кўриб, бефарқ қараб туролмади. Ватан олдида, халқ олдида, партиямиз олдида ўзининг инсоний бурчини бажарди, совет кишисига хос олижаноб фазилатини кўрсатди. Етим болаларни ўз тарбиясига ола бошлади. Ўша йиллари, детдомлардан бирида ундан «қайси миллат боласидан олмоқчисиз?» деб сўрашганда, Шоаҳмад ака қаттиқ ранжиган. «Ҳамма миллат боласи бир бола эмасми?» дея болалар уйининг ҳодимини койиб берган ва турли миллат болаларидан учтасини бағрига босиб, уйига етаклаб келган.

Ўн тўрт ўғил-қизини тарбиясига олган ватанпарвар бу оиланинг довруғи бутун мамлакатга ёйилди. Узоқ шаҳарлар, нотаниш кишилардан минглаб хат, қутлов телеграммалари келди. Хатларнинг деярли ҳаммасида шундай жумлаларни ўқиймиз: «Сиз каби ажойиб қалб эгаси — ватандошимиз билан фахрланамиз. Шундай кишиларни тарбиялаб етиштирган Ватанимиз, севимли партиямиз билан фахрланамиз!».

Заррада қуёш акс этгани каби Шомаҳмудовлар оиласида халқларнинг мустаҳкам дўстлиги ўзининг ёркин ифодасини топган. Бу дўстлик коммунизмни қуриш даврида тағин ҳам мустаҳкамланиб боради.

Биз бундай ватанпарвар кишиларимиз билан, шундай кишиларни вояга етказган, бизга коммунизм даврида яшашдек буюк бахт берган жонажон раҳнамоимиз—Совет Иттифоқи Коммунистик партиямиз билан фахрланамиз.

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
ёзувчи.

ҲАР КИМНИНГ ЭҲТИЁЖИГА ЯРАША

Йигирма йилликнинг охирига келиб, ижтимоий истеъмол фондлари ўз миқдори бўйича аҳолининг жами реал даромадининг тахминан ярмини ташкил қилади. Бу эса жамият ҳисобидан қуйидагиларни таъминлашга имкон беради:

— болаларни болалар муассасаларида ва мактаб-интернатларда (ота-оналарининг истаги билан) бепул боқиб тарбиялашга;

— меҳнатга лаёқатсиз кишиларни моддий жиҳатдан таъминлашга;

— барча ўқув муассасаларида бепул билим олишга;

— барча гражданларга бепул медицина хизмати кўрсатишга, шу жумладан касалларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашга ва санаторийларда бепул даволашга;

— квартиралардан, шунингдек, коммунал хизматлардан бепул фойдаланишга;

— коммунал транспортдан бепул фойдаланишга;

— маиший хизмат кўрсатишнинг баъзи хилларидан бепул фойдаланишга;

— дам олиш уйларидан, пансионатлардан, туристик базалардан фойдаланиш ҳақини аста-секин камайтириб боришга ва қисман бепул қилишга;

— аҳолини нафақалар, имтиёзлар ва стипендиялар (ёлғиз оналарга нафақалар, студентларга стипендиялар) билан тобора кенг миқдорда таъминлашга;

— корхоналарда, муассасаларда бепул умумий овқатланишга (тушлик овқатлар) ва ишлаб чиқаришда машғул бўлган колхозчиларни бепул умумий овқатланишга аста-секин ўтишга имкон беради.

Шундай қилиб, Совет давлати одамнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини ҳақиқатда тўла ва мукаммал қондиришнинг намунасини бутун дунёга кўрсатади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан.

СУҲБАТЛАР, ДОКЛАДЛАР, КОЛЛЕКТИВ УҚИШЛАР

Андижон областининг қишлоқ меҳнаткашлари ижодкор марксизм-ленинизмнинг илҳомлантирувчи манифести — КПСС янги Программасининг проектини чуқур ўрганишга киришдилар. Андижон область партия комитети область марказидаги партия ва совет активи орасидан малакали пропагандистларнинг катта бир группасини район партия комитетлари, колхоз, совхоз ва РТС бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш учун юборишга қарор қилди. Программа проектини ўрганиш ва тушунтиришни ташкил этишда улар жойларда амалий ёрдам кўрсатадилар.

Қишлоқ районларига ҳозирдаёқ элликдан ортиқ тажрибали пропагандист жўнаб кетди.

«Строммашина», «Коммунар», «Андижанирмаш» заводларининг ҳамда Андижондаги бошқа корхона ва муассасаларнинг юзлаб агитаторлари кенг авж олдирилган коммунистик қурилиш программасини ўз коллективларига ўқиб бермоқдалар.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗ — ДЕҲҚОНЛАР УЧУН КОММУНИЗМ МАКТАБИДИР

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси колхозни ана шундай юксак баҳолади. Колхоз тузуми,— деб кўрсатилади КПСС Программаси проектида, — Совет социалистик жамиятининг ажралмас қисмидир. В. И. Ленин белгилаб берган, тарихан синалган, деҳқонларнинг хусусиятларига мос келадиган бу тузум деҳқонларнинг тобора коммунизмга ўта бориш йўлидир.

Шу кунларда қайси қишлоққа борманг, қайси бир деҳқон билан бақамти ўтириб суҳбатлашманг: шонли партия Программаси проектида зикр этилган фикрларнинг акс садосини тинглайсиз. Мовий денгиздай чайқалиб ётган пахтазорда ҳам, фермада ҳам, хонадонларда ҳам ҳамманинг тилидаги, дилидаги гап шу: партиянинг чексиз ишончидан олам-олам миннатдорчилик. Программа проектидаги мулоҳазаларнинг қизғин муҳокамаси.

Куни кеча республикамизнинг жанубий районларидан бири — Деновдан қайтдик. Партиянинг Программа проекти радио орқали эшиттирилганида, матбуотда эълон қилинганида райондаги Сталин номли колхозда эдик. Буюк ҳужжатда айтилган сўзлар қишлоқдаги ёшу қари, ҳаммани ҳаяжонлантирган эди. Расмий равишда ҳеч ким томонидан айтилмаган бўлса-да, аллақачон жонли мунозара бошланиб кетган эди.

Колхоз раиси — СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобораҳмат Юсупов билан дала айланардик. Б. Эрдонов бошчилигидаги бригада еридаги бўлиқ ғўзаларни кўздан кечираётганда, шийпон томондан бригада бошлигининг овози эшитилди. Яқинроқ бордик. Бригадир шийпондагиларга Программа проектида колхоз тузуми ва колхозчилар тўғрисида баён қилинган сўзларни тушунтирарди.

— Узоқ кетманг, —дерди у,— бундан атиги йигирма йил муқаддам шу ҳозирги колхозимиз территориясида бор-йўғи 70 гектар пахта экардик. Жамики суғориладиган еримиз 100 гектарнинг нари-берисидамасмиди!? Сабаб, машина камчил эди. Еримиз ботқоқ, тўқайзор бўлганини ким билмайди?

Бригадир лўнда-лўнда қилиб ўртага ташлаётган саволлардан сўнг, жавоб кутгандай бир пасгина тинар, аммо суҳбатдошларидан ҳеч узмай, яна сўзини давом эттирарди.

— Ўшанда ҳам бизга партия мадад бўлди, ҳукумат кўмаклашди. Ҳар бири соатига юз йигитнинг юмушини бажарадиган тракторни кўпайтирди, бульдозер, скрепер чиқди. Ботқоқ қуриди, тўқай йўқолди. Еримизга ер, обрўйимизга обрў қўшилди. Бугун қишлоғимизга бир боқинг-а! Бу — ниманиг маҳсули?

Суҳбатдошлардан кимдир сўз қотди:

— Бобораҳматвой, қишлоқни қўйинг, районни айтаверинг. Районимиз Деҳнав, яъни форсчасига «янги қишлоқ» деб номланган. Янги қишлоқ бўлгач, қачон қурилларди, албатта колхоз бўлганимиздан кейинда!..

— Раҳмат, отахон, — деб сўзини давом эттирди бригадир. Дилимдагини айтиб қўяқолдингиз. Албатта, булар колхоз шарофати. Ота-бобомиз: «аҳил оила тоғни ағдаради» деб шуни айтганда! Бирлашдик, колхоз туздик, мушкулимиз осон, рўзғоримиз бут. уйжаримиз чароғон бўлди. Булар партия раҳнамолигида, партия ғамхўрлигида бўлди. Эндиликда партия яқин йиллар мобайнида барча колхозларнинг иқтисодий жиҳатдан янада кучли, янада юқори даромадли бўлишини таъминлаш режасини тузди. У келажагимизнинг янада порлоқ бўлиши учун қайғиряпти.

Шийпонда «ҳақ гап», «партияга минг раҳмат» деган овозлар эшитилди...

Ҳа, шундай бўлиши табиий. Шонли партиямиз Программаси проектининг совет кишилари томонидан ана шундай ғоят зўр тантана ва шодиёна билан кутиб олингани ва у қизғин маъқулланаётгани ҳам жуда табиийдир.

Шу куни биз колхознинг У. Мелимуродов, Б. Холниёзов, Т. Орипов, Ҳ. Назаров бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам бўлдик. Қаерга бормайлик ҳамма ерда ана шундай қизғин суҳбат устидан чиқдик.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. КПСС Программаси проекти давримизнинг коммунистик манифести, у замонамиз қомусидир. Унда колхозчининг ҳам, ишчининг ҳам, зиёлининг ҳам, ёшу қари ҳамманинг порлоқ, қуёшдай ёруғ келажаги ойнадай акс эттирилган. У муҳташам ва мўътабар коммунизмнинг муқаддас китобидир. Шунинг учун совет кишиси, хоҳ қишлоқда, хоҳ шаҳарда бўлсин, унинг ҳар бир ҳарфини меҳр билан қалбига жо қилмоқда. Сталин номли колхозидаги кўтаринки ва шодиёна руҳнинг ҳам боиси шунда.

Колхоз қишлоғи тўқайзор ўрнида қурилди. Бугун боқиб унинг ҳуснига ғўймайсиз. Пахтазорнинг икки чеккасида ўтқазилган мирза тераклар осмон билан бўй талашяпти. Янги қишлоқдаги бир хилдаги оппоқ уйларни кўриб, ҳавасингиз келади. Деҳқон ана шу уйларда яшаяпти. Унинг бундан бир неча йил илгари яшаган уйлари ҳам унда-мунда муншайиб турибди. Энди у музейдаги экспонатни эслатади. Бундан йигирма йил олдинги 70 гектарли пахтазор бугун салкам икки ярим минг гектарга етказилди. Бу — колхоз куч-қудратининг реал ифодасидир. Шу даражадаги куч-қудратни колхоз партия ва Совет давлатининг фанакам ғамхўрлиги туфайли йиғди. МТСларнинг қайта ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш қуролларининг колхозларга сотилиши, қишлоқ меҳнаткашлари моддий манфаатдорлигининг ошиши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Буни шу Сталин номли колхозда даромаднинг йил сайин ошиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги беш йил мобайнида колхоз даромади ўн саккиз миллион сўмдан йигирма саккиз ярим миллион сўмга етди.

Бугун партиямиз Программаси проектида йигирма йил мобайнида колхозчиларнинг даромади тўрт мартадан зиёдроқ ўсади, дейилган экан — бу реал ҳақиқат, чинакам пухта ўйланган рақамлар эмасми?!

Бугун қишлоқ меҳнаткашларининг севинчи ичига сиғмаяпти. Чунки, ҳар бир колхозчи Программа проектидаги рақамларни ўз хўжалигидаги реал рақамларга қиёс қилиб чамалаб, эртанги куннинг порлоқ тонгини кўрмоқда.

Аммо шуни ҳам эътироф этиш керак: келажак рақамлари, коммунизм нишонаси колхоз қишлоғидаги кишиларни хотиржамликка солаётгани йўқ. Бу — уларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшмоқда. Улар эндиликда ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ ишлашлари зарурлигини, бу эса коммунизм манзилини тобора яқинлаштиражагини чуқур ҳис этмоқдалар.

Биз колхоз раиси билан туни да хайрлашдик. У колхоз правлениеси биносида ёлғиз ўтирарди. Қўлида қизил қалам. Стол устида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проекти босилган газета ёзиқлик турибди.

— Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўн йил мобайнида камида икки ярим марта ошади, йигирма йил мобайнида эса бешолти марта ошади. Қишлоқ хўжалик меҳнат унумдорлигининг саноат ишлаб чиқаришдагига қараганда тез суръатлар билан ўсиши — қишлоқ хўжалигининг саноатдан орқада қолганлигини тугатишга имкон беради ва уни коммунистик жамият хўжалигининг юксак даражада ривожланган тармоғига айлантиради. Қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш, комплекс механизацияни қўлланиш ва автоматика воситаларидан фойдаланиш, техника иқтисодий кўрсаткичлари юқори бўлган ва ҳар бир зона шароитига мос келадиган машиналар системасини жорий қилиш қишлоқ хўжалик меҳнати унумдорлигини ошириш учун асос бўлади.

Тагига чизилган бу сўзлар электр шуъласида жимирлаб, кўзни қамаштирарди...

С. КАРОМАТОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ҚУНТ БИЛАН ЎРГАНАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа проекти навбаҳор қуёшидек бутун ер юзини ёритиб юборди. Прогрессив инсоният уни XX асрнинг энг буюк ҳужжати деб ҳаққоний баҳолади.

Ҳаётимизнинг бу улуғвор қомуси барча совет кишилари каби республикамизнинг маданият ва санъат ходимлари қалбини ҳам бениҳоя катта севинч ва завқшавқ билан тўлдириб юборди. ғайратларига ғайрат, илҳомларига илҳом қўшди.

КПСС янги Программаси проекти ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг асл мазмуни, истиқболимиз йўли, бахт, иқбол ва саодатимиз кўзгусидир. Уни чин юрагидан маъқуллаб, қунт билан ўрганамиз.

И. ИНОҚОВ,
Навоий номли Академик опера ва балет театри қошидаги сиёсий ўқиш тўгарагининг пропагандисти.



Утмишда ўз саноатига эга бўлмаган республикамизда бугун ўнлаб йирик завод ва фабрикалар ишлаб турибди. Янги-янги иншоотлар барпо қилинияпти. Буларнинг ҳаммаси партиямиз томонидан ленинча миллий сиёсатнинг оғишмай амалга оширилаётгани тимсолидир. Бу суратда сиз етти йиллик қурилишларидан биридаги қизғин иш жараёнини кўриб турибсиз.

В. Басканов фотоси,
(«Қизил Ўзбекистон» фото конкурсига келган суратлардан).

Кенг пропаганда қилиш мақсадида

БУХОРО («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Бухоро шаҳар партия комитети Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проектини саноат корхоналари мутахассислари ва аҳоли орасида кенг пропаганда қилиш мақсадида сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият аъзолари, Давлат педагогика институтининг ўқитувчилари ва партия раҳбар ходимларини докладчи ва лектор қилиб тасдиқлади. Жойлардаги 85 агитколлектив ва улар сафидаги 2 мингдан ортиқ агитатор замонамизнинг тарихий ҳужжати — янги Программа проектини пропаганда қилмоқда.

Пиллакашлик фабрикаси, пахта тозалаш, қоракўл тери ошлаш заводлари ва бошқа саноат корхоналарида партия Программаси проектини ўрганиш юзасидан доклад, суҳбат ва савол-жавоб кечалари ўтказилияпти.

ГЕОЛОГ-ОЛИМЛАР СЎЗИ

Нефтчи олимларимиз ҳам бутун республикамиз меҳнаткашлари каби КПСС Программаси проектини зўр ихлос билан ўқимоқдалар.

Нефть ва газни қўплаб чиқариш йўли изчиллик билан амалга оширилиб, улардан кимё саноати учун ҳом ашё сифатида фойдаланиш ўса боради. Нефть чиқариш халқ хўжалигининг барча эҳтиёжларини тўла қондирмоғи лозим.

— Коммунистик жамиятни қуриш кенг авж олдирилган ҳозирги даврда биз, нефтчи геологлар, олдида ана шундай улкан вазифалар турибди,—дейди геология-минерология фанлари кандидати, Ўзбекистон Фанлар академияси Нефть ва газ институтининг старший илмий ходими Шариф Даълатов. —Бу вазифаларни муваффақият билан бажариш учун илмий ишлар савиясини янада ошириш, илмий муассасаларнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кун сайин мустаҳкамлаб бориш зарур.

Биз «Узбекнефтгазразведка» трести ва Фарғона нефть комбинати коллективи билан мустаҳкам ҳамкорликда ишламоқдамиз. Геология-минерология фанлари доктори, профессор А. Бобоев раҳбарлигида ишлаётган илмий ходимлар Бухоро—Хева нефть-газ вилоятидаги конларни ўрганишга муҳим ҳисса қўшдилар. Олимларнинг тавсияси билан пармалаш ўтказилган баъзи участкаларда янги-янги «зангори олтин» конлари очилди. Профессор О. Акрамхўжаев бошлиқ илмий ходимлар Уст-юрт чўлининг геологиясини ўрганмоқдалар. Пармаловчилар ва олимлар ҳамкорликда ишлаб, Қорақалпоғистонда янги-янги ёнилғи конларини топадилар деб ишонамиз.

ЮКСАК ПАРВОЗ

Жонажон партиямизнинг мамлакатимизда коммунизмни тўла қуриш ҳақидаги оламшумул Программаси проектини ўқир эканман қалбим бир дунё қувонч ва фахрланиш туйғулари билан тўлди. Мамлакатимизда социализм тўла ғалаба қозонди ва эндиликда ижодкор совет халқи доно Коммунистик партия раҳнамолигида коммунизмнинг нурли чўққилари сари дадил йўл олди.

Партия Программасининг проектида мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини тўла-тўкис барпо этиш билан бирликда янги давр кишиси — коммунизм кишисини тарбиялаб етиштиришга катта аҳамият берилган. Коммунизм ишига содиқ бўлган, Ватанни жондан севувчи меҳнатсевар, онгли, софдил, ахлоқий жиҳатдан юксак совет кишисини тарбиялашда биз, санъат ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Илғор ғояларимизни, биз театр ходимлари совет саҳнасидан томошабинларга етказишимиз керак. Токи, совет саҳнаси ҳам мамлакатимизда коммунизм қурилишидек буюк ишга хизмат қилсин. Совет саҳнасидан айтилган ҳар бир сўз, ёркин образлар совет кишиларини порлоқ келажак сари ундасин, руҳлантирсин, уларга қанот бағишласин.

Партиямиз чақиригига биз санъат аҳллари жон-дилимиз билан: «Хизматингга ҳозирмиз!» деб жавоб берамиз.

Шукур БУРҲОНОВ,
СССР халқ артисти.

ҲАЁТ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

Жонажон Коммунистик партиямизнинг янги Программаси проектини ҳаяжонланмай, буюк ғамхўрлиги учун партияга минг-минг раҳмат айтмай ўқий олмайди киши. Партия коммунистик мўлкўлчиликни вужудга келтириш, ҳаётни янада фаровон, гўзал қилишни кўзламоқда. Программа проектида айтилганидек, бу мўлкўлчиликни халқ яратади, ўз манфаати йўлида бунёд қилади.

Ҳозир инсонга фойда келтирмаётган миллион гектарлаб қўриқ ва бўз ерлар ишга солинади, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш кўпая беради. Айни муддао! Бу бизларнинг ҳам кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Бизнинг машина-мелиоратив отрядимиз Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массивидаги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта иш қилмоқда. Отрядимиз ўзлаштирган ерларнинг 153 гектарини «Большевик» колхози меҳнаткашларига, 17 гектарини «Правда» колхозига топширди. Бу ярим йиллик ишимизнинг якунидир.

Иккинчи ярим йилда ҳам ишимиз яхши кетяпти. Ойлик планни 150 процентдан ортиқроқ қилиб бажардик. Абдулҳай Сулаймонов, Муҳаммадали Умаров, Сонбжон Отажонов, Аҳмаджон Боқиев ва бошқа бульдозерчилар, скреперчилар кундалик топшириқларни доимо ошириб бажармоқда. Ҳозир йиллик планни бажаришга яқинлаб қолдик. 870 минг кубометр ҳажмдаги ишдан 634 минг кубометри бажарилди.

Партия коммунистларни, барча меҳнаткашларни коммунистик жамият қуришда актив қатнашишга, халқ фаровонлигини ошириш программасида белгиланган тарихий вазифаларни муваффақият билан бажаришга аҳд қилди. Йиллик планни мудатидан илгари бажариб, планга қўшимча равишда 150 гектар ерни ўзлаштирамиз ва фойдаланишга топширамиз.

Ж. АЗИЗОВ,

Бағдод район «Сельхозтехника» бўлими машина-мелиоратив отрядининг бошлиғи.

ДОНО ПАРТИЯГА

Собир АБДУЛЛА

Сен бор улуғ Партия, ушалмай қолмас орзу,
Умидлар гулшанининг сўлмагай гул, япроғи,
Халқ турмуши фаровон—ҳамманинг тилаги шу,
Еритиб барча қалбни ленинизм чароғи.

Сен бор улуғ Партия, ҳар дамда бир хушхабар,
Офтобнинг нури каби оламга тарқалади.
Кремлнинг соати ҳамма учун муътабар,
Эртанинг муждасини бугун эсга солади.

Бу хушхабар ёйилиб ҳар бир ёшу қарига,
Бутун совет халқининг истиқболи намоён,
Партиядан миннатдор барча баробарига,
Ҳатто олқишламоқда дунёда ҳар чин инсон.

Сен бор улуғ Партия, келмас яқин ғам, ташвиш,
Сен бахтимиз, осойиш кунларимиз посбони,
Сенинг таълиминг билан олдин босар ҳамма иш,
Сен халқлар етакчиси, ғамхўри, меҳрибони.

Юзда қувонч белгиси, табриклар бир-бирини,
Минг ташаккур Партия, ғамхўримиз дер ҳамма,
Ўқишиб, тўп-тўп бўлиб, қолдирмай бир ерини,
Дейишмоқда: — биз учун қутлуғ Программа!

Ҳар сатру ҳар жумлани ўқиб иштиёқ билан,
Шу миллионлар сингари қувончим ошиб кетди.
Кўз олдимдан ўтганда мазмунлар мароқ билан,
Ақлимнинг бовариданд идроким шошиб кетди.

Тўйхонага айланди ўн кишилик оилам,
Қарсак урди навқирон, келажак эгалари.
Ҳормай-толмай илм ўқиб, улуғ муддао ила,
Доим олға интилган келажак эгалари.

Яъни азиз авлодлар — меҳрибон йигит қизлар—
Биз ота, оналарнинг бахтиёр давомимиз.
Айтишди: — Коммунизм яқиндир, кўрарсизлар!
Ўчмас эмиш тарихдан келажакда номимиз.

Чиндан ҳам яқинлашдик, дил орзиққан манзилга,
Бошла карвонбошимиз—доноишманд Компартия!
Кўп ташаккур сиғмайди битта шеърий тафсилга,
То ҳаётмен: ёзарман, минг-минг ташаккур дея!

Август, 1961 йил.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проектини ўқир эканман, унда коммунистик жамият қуришнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатиб берилганлигидан чексиз қувондим. Совет кишиларининг бу Программани ҳам шараф билан бажаришига имоним комил. Чунки халқимиз В. И. Ленин ва у тузган Коммунистик партия раҳбарлигида эски тузумни агдариб ташлаб, дунёда биринчи марта социалистик жамият барпо қилган экан, жамиятнинг юқори фазасига — коммунизмга ўтишимиз ҳам шак-шубҳасиздир.

Партия XXII съезди қабул қиладиган Программа барча коммунистлар ва бутун совет кишилари учун коммунизм қуришда йўлчи юлдузимиз бўлади.

М. ОРИФБОЕВ,
1919 йилдан бери КПСС аъзоси.

АВГУСТ—ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

ҚУМ БАРХАНЛАРИ ОРАСИДА ҒЎЗА

Чексиз сочилувчан қум денгизи ўртасида ям-яшил ғўза пайкали ороляга ўхшаб қад кўтариб турибди. Бу — Фарғона область қишлоқ комсомолларидан ўстираётган ниҳоллардир.

Юздан ортиқ комсомол-ёшлар бригадаси КПСС XXII съезди шарафига Марказий Фарғона қўриқ ерларини ўзлаштириш учун юриш бошлади.

Ёшлар фидокорона меҳнат қилиш туфайли табиат қўлидан 3.640 гектар янги ерни ажратиб олдилар. Комсомоллар ер қазувчи кучли техника ёрдами билан суғориш каналлари ва зовурлар қазидилар, участкаларни яхшилаб текисладилар. Натижада чўл таслим бўлди, чекинди.

Ҳозир ўзлаштирилган ерларнинг ярмида «оқ олтин» мўл ҳосили етилмоқда. Қолган участкаларда эса макажўхори кўнка бўй чўзмоқда, ширин-шакар қовун-тарвузлар пишмоқда.

Ёш колхозчилар экинларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Олтинариқ районидаги Ворошилов номли колхознинг Валижон Алиев ва Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сайдаҳмад Ҳайдаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаларининг даласидаги ғўзалар айниқса баравж ўсмоқда. Ғўзаларнинг ҳар тупида 6-8 тадан бўлиқ кўсак бор.

ҚУРБОН КЕНЖАЕВ БРИГАДАСИДА

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Қурбон Кенжаевни ғўзадаги шода-шода шоналарни, гул ва кўсакларни санаётганда учратдик.

— Бизнинг бу йилги аҳдимиз, — деб гап бошлади бригада бошлиғи, — 120 гектар ердан энг арзон ва юқори навли пахта етиштиришдир. Гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, ҳар центнерининг таннархини 6-7 сўмга туширимоқчимиз. Шунинг учун ҳам бизга ҳар бир туп ғўза қадрли.

Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси учинчи комплекс парваришни тугалламоқда.

Уста пахтакор Қурбон Кенжаев парваришни сифатли ўтказиш — арзон пахта етиштиришнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Шунга кўра ҳар бир ишнинг сифатли бажарилиши учун бригадирнинг ўзигина эмас, ҳамма бирдек курашади.

Бу йил бригаданинг ҳамма майдондаги ғўзаси машина теримига мослаб ўстирилмоқда. Ўтган йили 300 тонна пахта терган Қурбон Кенжаев бу йил кузда терим машинаси бункеридан 350 тонна «оқ олтин» тўкмоқчи. Бригада етиштираётган пахтанинг ҳаммаси қопқанорсиз ташилади.

М. ҒОЗИЕВ.

СУВЧИЛАР

Шу кунларда Андижон областининг, хусусан дарё ва каналлардан сув ичадиган колхоз, совхозларида бир ариқ сув билан бутун бир майдонни эмас, бутун бир колхоз ерларини суғоришга тўғри келяпти. Дарёларда сув кам, каналларда, ариқларда сув кам оқяпти. Ўтган йили Жалақудуқ райони ҳар куни ўн кубометр сув олиб турарди. Шу кеча-кундузда эса унинг учдан бир қисмини олаётир.

Бинобарин, экин суғораётган ҳар бир сувчидан сувни жуда эҳтиёт қилиб сарфлаш талаб қилиняпти. Сталин номли колхоз тажриба-намуна хўжалиги далаларида бўлсангиз сувчилар зиммасига тушган масъулиятни айниқса яққол ҳис қиласиз.

Бултур, масалан, 16 июлдан бошлаб дарёларда сув тортилган эди. Бу йил бир ярим ой илгари — 1 июндаёқ гоғ этакларидаги дарёларнинг суви тиниб, ўзани кўриниб қолди. Деҳқонлар бир қанча вақтгача «бугун келар, эрта келар» деб умид қилишди. Олимлар «сув кўпаймайди, боридан тўғри фойдаланинг» дейишди.

Мамадали ота кўп йиллардан бери сувчилик қилавериб, бу ишнинг миришкори бўлиб кетган. Шундай бўлса ҳам, ҳеч қачон бу йилгидек ташвиш тортмаган эди. Сувни алғов билан ичишяпти. Бир ариқ сув тўрт кун ўн биринчи бригадада оқса, тўрт кун бошқасига берилади. Тўрт кунининг бир куни эгатларга сув тараш билан ўтса, қолган уч кунида неча гектар ғўза суғориш мумкин?

Шароит кишиларни эпчил, тадбиркор қилар экан. Мана, соқоли шу пахтазорда оқарган сертажанг Мамадали ота Тожиқулов қанча уринмасин, шошмасин эгатларга сувни тараб улгирмаяпти. Бригаданинг ҳамма одами бу иш билан банд. Чанқаган барча ғўза суғориб олинмаса, алғовнинг навбати қайта келгунча, ғўза ҳосил шоналарини тўкиб юбориши мумкин.

Сувчи атрофига аланглади. Қўчадан бир дуркун бола ўтиб боряпти, ҳаммаси сигир етаклаган, мол боқиб келишяпти.

— Ҳов, Эргашвойнинг ўғли! Молингни боғлаб, ҳамманг буёққа кел, — чақирди Мамадали ота.

Болалар гап қайтармай, сигирларини дарахтларга боғлаб келишди.

— Бераверинг, менга қараб тур. Мана бундоғ қилиб лойлайсан, — деди сувчи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ. — мана бундоғ қилиб қоғоз қўясан, бундоғ қилиб кафтинг билан босиб ариққа очасан. Ана энди сув оқаверади. Кўрдингми ҳамманг? Қани, бошланглар, қоғоздан олинглар.

Кўп ўтмай катгина участкага сув тараб бўлишди. Мамадали ота болалар тузатган даҳанани яна бир сидирга тузатиб чиқди-да, кичик ёрдамчиларининг елкасига қоқиб, ҳаммасига «баракалла» улашиб жўнатди.

— Баъзилар сув камчил бўлганидан экинни ялатиб суғориш керак дейишади, — дейди Мамадали ота. — Мен бунга қўшилмайман. Чунки, чанқаган ғўза ялатмага қонмайди, томирига нам етмайди. Бизда Тоштемир Нурматов деган ёш, уста сувчи бор. Беш сунда ўн тўққиз гектар ерни бир варакайига сувдан чиқарди. Сувни жилдиратиб тараб, намни чоракам бир метр чуқурга етказиб олди. Энди бу ғўза йигирма кунгача чанқамайди.

Яқинда Сталин номли колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳамма сувчиларни икки соатга маслаҳатга чақирди. Ҳар ким ўз тажрибасини, маслаҳатини ўртага ташлади, уларни муҳокама қозонида қайнатиб, кўплашиб пиширдилар. Натижада колхозда маълум бир тартиб ишлаб чиқилди.

— Ҳар қандай қийин шароитда ҳам ғўзани чанқатмаслик мумкин. Бунинг учун, аввало, эгатни чуқур олиш керак. Чуқур эгатда сув секин оқади, бинобарин, ғўза томирлари намга қонади. Саёз эгатларда сув бугланиб кетиб, экин томирлари баҳрасиз қолади.

— Сувни жилдиратиб оқизиш яхши. Йўлдошев бошлиқ бригаданинг сувчилари Қосимжон ака билан Маманазар акалар тараган сув эгатларда бир хилда оқади, натижада бир-биридан нари борса тўрт-беш метр фарқ қилиб оқади, ер этагига деярли бир вақтда етади.

— Ғўза тобора ўса борган сайин ердаги намни кўп сўради, ҳавога кўп нам чиқаради. Шунинг учун ердаги намни узоқ сақлаб туриш пайидан бўлиш керак. Қатор ораларини вақтида культивация қилиш, олдинроқ етиладиган қақсов ерларни уловда юмшатиш фойдалидир.

— Қатор ораларини суғорганда ачитилган гўнгни қўшиб оқизилса, ерда нам узоқ сақланади. «Шарбат» оқизишни ҳамма бригадалар да дарҳол қўлланамиз.

Бу—кўпчилик пахтакорга маълум нарсалар. Тўғри, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бу қондага ҳамма амал қилаётгани йўқ. Узоққа бориб ўтирмайлик, шу колхознинг Исмоилжон Тошматов бошлиқ бригадасининг боғ ёнидаги пахтазорига разм солайлик. Узоқроқдан қарасангиз, ғўзалар сарқ уриб ўсаётгандай, яқинроқдан ҳам шундай кўринади. Аммо, синчиклаб қаранг-а, участканинг бир неча жойида озгина-озгина ернинг ғўзаси чанқаган, гули тепасига чиқиб кетган. Агар бригадир Исмоилжон бепарво бўлмаганда ўша эгатларга табақалаб сув тарарди.

Деҳқон долзарб кунларни бошдан кечирмоқда. Август—ҳосилга ҳосил қўшадиган, ҳосил тақдирини ҳал қиладиган ой. Бу ойда озгина сусткашлик қилган, бепарво қолган деҳқон ютқазади. Аксинча, Сталин номли колхоз миришкорлари сингари экинни пиёда оралаб, унинг «арз-додига» етганлар, кунни тунга, тунни кунга улаб, ғўзаларни сувга тўйдираётганлар, ерда кўпроқ нам сақлаш йўлида қаттиқ курашаётганлар ютади, йил охирида баракали хирмон кўтаради, партиямизнинг шонли XXII съездига муносиб туҳфа олиб, ёруғ юз билан боради.

Рустам РАҲМОНОВ.

ДОН, ГЎШТ, СУТ, ТУХУМ ВА ЖУН МЎЛ БЎЛСИН!

Ўзбекистон ССР да қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 1 августгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Дон	гўшт	сут	тухум	жун
Тошкент	101,5	61,5	52,8	84,8	78,1
Фарғона	—	58,5	42,7	102,1	104,2
Андижон	—	54,4	41,1	94,6	85,0
Самарқанд	66,2	44,6	50,6	91,5	55,4
Бухоро	—	43,2	47,5	91,0	50,0
Сурхондарё	53,1	37,8	44,8	88,1	49,1
Хоразм	—	52,5	37,3	96,1	72,0
Қорақалпоғистон АССР	—	47,4	29,6	89,6	58,5

ҲОСИЛНИНГ ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА

(МУХБИРЛАР ХАТИДАН)

Ҳар туп ғўзада бўлиқ кўсакларнинг кўпайиш парваришнинг қандай ўтказилаётганига боғлиқ. Бегона ўтлардан тозалаш, вақтида суғориб, озиқ юмшатилиб турган ғўзалар ҳосилига ҳосил қўшмоқда, кўсаклар тез етилмоқда. Пахтакорлар олиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш учун барча чораларни кўрмоқдалар.

Чиноз районидан ўртоқ **И. Ўринбоевнинг** хабар қилишича, Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ бригадаси ғўза чеканкасини ўтган йилдагидан 15 кун илгари бошлади. Бақувват ғўзаларнинг ҳар тупида ҳозир 5-6 тадан кўсак бўлса, чеканкадан кейин янада кўпаяди.

Қизилтепа районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари,—деб ёзади Бозор **Йўлдошев,**— мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун курашни кучайтирдилар. Ҳар гектаридан 28-30 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилаётган М. Каримов, Р. Очилов, Т. Соҳибов, Э. Азизов ўртоқлар бошлиқ бригадаларга қарашли ғўзаларнинг ҳар тупида 5-6 тадан кўсак ҳосил бўлди. Колхозда ташкил қилинган новаторлар кенгаши яхши иш қилмоқда. Кенгаш аъзолари бригадаларда бўлиб иш сифатини текширади, сифатсиз бажарилган иш айбдор хисобига қайта ишлатилади. Натижада иш сифати учун масъулият ортди. Бу эса мўл ҳосил тўплаш учун курашда яхши самара бермоқда.

Жиззах районидаги 6-пахтачилик совхозидан **Т. Абдуллаев,** Бағдод районидаги «Большевик» колхозидан **С. Сотиболдиев,** Сариосиё районидаги Сталин номли колхоздан **Т. Пардаев,** Киров районидаги «Москва» колхозидан **Р. Рашидов** ўртоқлар юборган хабарларда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини сифатли ўтказилаётганлиги, экинга «шарбат» сувн берилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Қорақалпоғистонлик ўртоқ **И. Жуманиёзов** Амударё районидаги Энгельс номли, фарғоналик **А. Ҳайдаров** Бағдод районидаги Жданов номли колхозларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида ёзадилар. Экинларни муҳофаза қилиш тўғри ташкил этилганидан бу хўжаликларда ҳашарот пайдо бўлиши биланоқ қириб ташланмоқда. Шунингдек **М. Тошбоев, Т. Холматов** ўртоқларнинг Охунбобоев районидаги «Совет» колхозининг Қўчқор Исҳоқов бошлиқ бригадасидан юборган хабарида яхлит карталарда баракали ҳосил етишаётганлиги кўрсатилади.

Қардош республикалардан келган мусобақадош пахтакорлар ишимиздаги ана шундай муваффақиятлардан қувониб билан бирга ғўза парваришидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб бердилар. Редакцияга келаётган хатларда ҳам айрим жойларда ғўза парваришн олинган мажбуриятга яраша эмаслиги кўрсатилиб, ишдаги камчиликлар очиб ташланади. Айниқса Чиноз районидан келаётган хабарлар бу райондаги кўпгина хўжаликларда ташвишли аҳвол юз берганидан дарак бермоқда.

Ўртоқ **Т. Имомовнинг** ёзишига қараганда. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида техникадан фойдаланиш жуда қониқарсиз. Колхознинг 5-бригадасида 2 та трактор бекор турибди. Бу ерда фақат уч киши сувчилик қилмоқда. 75 гектар ернинг кўп қисмидаги ғўза чанқатиб қўйилган. 6-, 7-бригадаларда ҳам ана шундай аҳвол юз бераяпти. Колхозда терим машиналарини ремонт қилиш ҳали ҳам бошланмаган.

Райондаги Энгельс номли колхознинг кўпгина бригадаларида ҳам ғўза чанқатиб қўйилмоқда. Сув эса исроф қилинаяпти.

Ўртоқ **Ж. Шаропов** Бекобод районидаги «Победа» колхозидан юборган хабарида ғўза парваришида жиддий камчиликлар юз бераётганлиги кўрсатилади. Колхознинг Мамасоли Очилов, Санд Маъмуров бошлиқ бригадаларида ғўза чанқатиб қўйилганидан гул ва шоналарини тўкиб юбормоқда. Санд Маъмуров бошлиқ бригаданинг 25 гектар ердаги ғўзаси бегона ўт орасида қолиб кетган. Бу ерда ҳашарот кўпайиб, бошқа далаларга ҳам тарқалмоқда.

Денов районидаги «Ленинизм», «Москва», Ленин номли колхозларда сувни исроф қилиш, ғўза қатор ораларини кўндалангига культивация қилишни тўхтатиб қўйиш ҳоллари юз бермоқда. «Шу райондаги Генерал Раҳимов номли колхознинг, деб ёзади бу ҳақда хабар юборган ўртоқ **И. Эрдонаев,** ўртоқ Жумаев бошлиқ бригадасида ғўза шолидай кўлатиб юборилган. Сувчилар иши устидан назорат йўқлиги оқибатида сув йўлларга оқиб ётибди. «Москва» колхозининг дарёрли ҳамма бригадаларида ўргимчаккана ва кўсак қурти ҳосилга жиддий зарар етказмоқда. Лекин ҳашаротга қарши доривор сепиш кўнгилдагидек эмас».

Ўртоқ **Р. Азимов** юборган хабарда Шофирком районидаги Ленин номли колхозда 250 гектар ердаги ғўза ҳамон бегона ўтдан тозаланмаганлиги, 360 гектар майдондаги экин чанқатиб қўйилганлиги кўрсатилади. «Колхозда 14 та пахтачилик бригадаси бор, деб ёзади ўртоқ Азимов, бу бригада бошлиқларининг онла аъзолари, шунингдек колхоз партия ташкилотининг секретари ва бошқа раҳбарларнинг онла аъзолари ғўза парваришида қатнашмаётирлар. Колхоз раиси ўртоқ Абдуллаев эса ҳали ҳам колхоз қишлоғига кўчиб келган эмас. Узоқдан туриб раҳбарлик қилиш шунга олиб келдики, колхозда меҳнат интизоми жуда бўшаштириб юборилди. Ғўза парваришидаги сусткашликнинг сабаби ҳам шунда».

Урганч районидаги Нариманов номли колхозда дала ишлари сифатсиз ўтказилаётганлигидан ҳосилга жиддий зарар етмоқда. Айрим ерлар оби-тобидан ўтказиб культивация қилиняпти. 5-бригадада шундай культивация қилиш натижасида ҳар 5-6 квадратметр ерда 2-3 тадан ғўза нобуд қилинган. Колхоз агрономи Сафарбой Пўлдошев эса дала ишларининг ўз вақтида бажарилиши учун курашмаяпти. Давлат Отажонов, Собир Давлатов бошлиқ бригадаларда бажарилмаган ишларни бажарилди, деб кўрсатиш, кўзбўямачилик ҳукм сурмоқда. Бу ҳақда ўртоқ **Н. Мадраҳимов** ачиниб ёзади.

Олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ғўза парваришидаги камчиликларни дарҳол тугатиш керак, токи ҳар бир звено ва бригадада, колхоз ва совхозда мўл ҳосил етиштирилсин.

ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

КПСС СССРда коммунистик жамият қуриш учун ва жаҳон социализм системасини ривожлантириш учун тинч шароит таъминлашни ҳамда барча тинчликсевар халқлар билан бирликда инсониятни қирғинлик келтирувчи жаҳон урушидан қутқаришни ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг асосий мақсади деб билади.

КПСС дунёда умумий тинчликни сақлай оладиган ва мустаҳкамлай оладиган кучлар вужудга келганлигига ва ўсаётганлигига асосланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИНГ ЗАФАРЛИ ЮРИШИ

ПАРИЖ, 3 август. (ТАСС). Ҳафталик «Франс Нувель» газетасида Франция Компартияси сиёсий бюросининг аъзоси Франсуа Бийунинг мақоласи босилиб чиқди. Франсуа Бийу ўз мақоласида қуйидагиларни ёзади: КПСС Программасининг проектига нисбатан «инсониятнинг кўп асрлар мобайнида ўйлаб келган энг дадил хаёллари ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди». Программа проекти совет халқи учунгина эмас, балки планетамизда яшовчи ҳар бир киши учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ф. Бийу қуйидагиларни таъкидлайди: Уруш иллариии мустасно қилганда, Совет Иттифоқининг барча гражданларга инсоният тарихида мисли кўрилмаган фаровонликни таъминлаб берадиган жамият барпо қила бошлаши учун 30 йилдан камроқ вақт талаб этилди. СССР халқининг одам одамни эксплуатация қилишига узил-кесил хотима берганлиги СССРнинг галаба қозонишини таъминлади. КПСС янги Программасининг проекти «марксизм-ленинизмнинг зафарли юриши»ни ифода этади.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МЕКСИКАДА

МЕХИКО, 3 август. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе бошчилигидаги совет делегацияси Мексикада бир ҳафта меҳмон бўлиб турди. Бу делегация яхши ният миссияси билан Латин Америкаси мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилмоқда.

Делегация аъзолари Мексикада бўлган вақтда мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари билан таништилар, саноат корхоналарига бордилар ва Мексика президенти билан, министрлар, сенаторлар, фан ва маданият арбоблари билан учрашдилар.

Кеча СССРнинг Мексикадаги элчихонасида совет делегацияси шарафига қабул маросими бўлди.

Делегация бугун самолётда Эквадорга учиб кетади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Чехословакиядаги энг кекса Карлов университети (Прага) Гана Республикасининг президенти Кваме Нкрумага философия фанлари доктори фахрий унвонини берди.

⊙ Жакарта газеталари Индонезия президентининг шу йил 5 октябргача ҳукуматга сўзсиз таслим бўлган ёки бўладиган барча исёнчиларга амнистия бериш тўғрисидаги қарорини эълон қилди.

⊙ «Кюсю» қуриши компаниясининг Кобэ шаҳри районидаги (Япония) шагал конида эксплуатация техника шартларининг бузилиши натижасида динамит портлаб кетди. Ишчилардан уч киши ўлди ва ўн бешдан ортиқ киши яралар олди.

МОСКВАДА Жаҳон ёшлари форуми ўз ишини тамомлади. Ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларидан келган вакиллар жаҳон ёшларини қизиқтирган энг зарур проблемаларни муҳокама қилдилар ва яқдиллик билан бир фикрга келдилар. Форум дўстлик, тинчлик ва ҳамкорлик байроғи остида ўтди. СУРАТДА: Куба ёшлари делегацияси Союзлар уйининг Колонна залида.

В. Мастюков фотоси, (ТАСС фотохроникаси).



ОСАКА КЎЧАЛАРИДА ҚОН ТЎКИЛДИ

ТОКИО, 3 август. ТАСС мухбири А. Бирюков хабар беради:

Энг йирик саноат шаҳри Осакада кунбай ишлайдиган ишчилар билан полиция ўртасида жиддий тўқнашув бўлиб, 100 дан ортиқ ишчи яралар қилинди ва 28 ишчи қамоққа олинди.

1 август куни кечқурун Осака районларидан биридаги полиция участкаси олдида 62 ёшли кунбай ишчи Тойодзо Янагидани автомашина уриб кетди. Йўловчилар полицияга мурожаат қилиб, жабрланган кишини дарҳол госпиталга жўнатишни талаб қилдилар. Бироқ, полиция аслида бу талабга назар-писанд қилмади. Кўчага чиқиб келган полициячи қонга булганиб ётган ишчини бир чеккага судраб ўтиб, фақат ҳодисанинг тафсилотларини «текшириш» билан шуғулланди. Ҳодиса юз берган жойга шаҳарнинг ана шу районида яшовчи кунбай ишчилар адомони тўплана бошлади. Ишчилар билан полиция ўртасида тўқнашув юз берди.

2 август куни эрта саҳарлаб, ҳодиса юз берган жойга полициянинг ҳаракатчан отряди етиб келди. Полиция кўздан ёш оқизувчи газлардан ва темир тўрлардан фойдаланган ҳолда ишчилар устига ёпирилди. Яна тўқнашув юз берди. Полиция тақиқлар билан ишчиларни калтаклай бошлади. Тўқнашув юз берган жойда 100 дан ортиқ яралар қолди. Полиция 28 ишчини қамоққа олди.

Кеча кечқурун Осакадаги Нисинари районининг полиция бошқармаси биноси олдида яна кунбай ишчиларнинг жуда катта аломони тўпланди. Улар қамоққа олинган кишиларни қўйиб юборишни ҳамда Янагиданинг вафотида айбдор бўлган полициячиларни жазолашни талаб қилдилар. Фақат бугун эрталаб соат 6 га келгандарина 1500 дан ортиқ қуролли полициячи таёқлар ва ёш оқизувчи газлардан фойдаланган ҳолда, ишчиларни тарқатиб юборишга муваффақ бўлди. Полиция ишчиларни то қамоққа олди.

«Асахи» газетаси бўлиб ўтган воқеани шарҳлаб, ҳодиса юз берган жойда ҳозир бўлган чоллардан бири: «Полиция камбағал ишчиларнинг ҳаётини икки пулга олмайди. Полициянинг хатти-ҳаракати шу ходисанинг шоҳиди бўлган ишчиларнинг юзига оёқ қўйиш бўлди» деди, деб ёзади.

Ю. А. ГАГАРИН КАНАДАГА БОРАДИ

Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун Ленин мукофотининг лауреати машҳур саноатчи Сайрус Итон Куба ва Бразилияда визит билан меҳмон бўлиб турган Ю. А. Гагаринни тинчлик тарафдорларининг Галифакс шаҳри (Канада)даги Пагуош митингида иштирок этишга таклиф қилди. Ю. А. Гагарин бу таклифни қабул қилди ва 5 августда Галифаксга келади.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИ КУБАГА КЕЛДИЛАР

ГАВАНА, 3 август. (ТАСС). Игорь Моисеев раҳбарлигидаги СССР давлат халқ рақси ансамблининг артистлари бу ерга келдилар.

ТАРАҚҚИЁТ ВА БИРЛАШИШГА ДАЪВАТ ЭТАЁТГАН ЁШЛАР САДОСИ

МОСКВА, 3 август. (ТАСС). Хайр дўстлар, кўришгунча хайр! Бир-бирларининг қўлини қисиб, сўнгги табрик сўзларини айтиш қолди, холос.

Союзлар уйининг Колонна зали бугун айниқса файзли ва кўркам.

Ёшлар жаҳон форумининг охирги яллн мажлисини СССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси Петр Решетов очади. У форум номига жамоат ва давлат арбобларидан, шунингдек ёшлар ташкилотларидан янги табриклар келганлигини хабар қилади.

Залдагилар жаҳон ёшлар форуми қатнашчиларининг бутун дунё халқларига мактуби проектини эътибор билан тинглайдилар. Ҳужжат ўқилиб бўлгандан кейин ҳамма ўринлан туради ва гулдурос қарсаклар бошланади. 111 мамлакатдаги ёшларнинг 332 студент, касаба союз, спорт, сиёсий, диний ва бошқа ташкилотларининг вакиллари Мактубни гулдурос қарсаклар билан, «Тинчлик — дўстлик!» деган хитоблар билан бир овоздан маъқуллайдилар.

Ёшларнинг жаҳон форуми ёпиқ деб эълон қилинади.

Эртага поезд ва самолётлар меҳмонларни ўз ватанларига олиб кетади. Улар ўз ватанларига қайтишда Ленинград, Киев, Тошкент ёшларининг ва мамлакатдаги бошқа шаҳарлар ёшларининг меҳмони бўладилар.

Яна учрашгунча, дўстлар!
Оқ йўл сизга, жаҳон ёшлари.
(ТАСС).

Редактор ўринбосари А. ИСМОИЛОВ.

Томошалар. Эълонлар. Рекламалар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 АВГУСТДА

18.30 — **Мультипликацион фильм** (болалар учун). 18.55 — **Моҳир қўллар** (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида). 19.15 — **Телевизион янгиликлар.** 19.15 — **Концерт** (Ленинград артистлари ижросида). 20.25 — **ССР Транспорти** (Бутуниттифоқ Темир йўлчилар куни муносабати билан ҳужжатли фильм). 20.45 — **Жаҳон халқлари куйлари** (ўзбек артистлари ижросида). 21.25 — **Янги Деҳли** номли ҳинд кинокомедиясининг иккинчи серияси (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР (Кафанов номли пардали халқ ижоди уйида) — Езги мавсумнинг очилиши — 5/VIII да **Евгений Онегин.** Кеч соат 8 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 5/VIII да **Олтин қидирувчилар,** 6/VIII да **Ошиқ Ғариб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

6 августда

2 бўлимдан иборат

катта концерт

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Раззоқ Ҳамроев,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эътибор Жалилова, Тамара Назарова** ва театр солистлари қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Любушка — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ноилож қўниш (кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да), **Дунёнинг яратилиши** (кундуз соат 1 ярим, 4 ярим, кеч 7 ярим ва 9 да — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Шарқ томон 10 қадам — «ДРУЖБА», «СПУТНИК», СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача ҳамма залда, кеч 6-20 ва 8-20 минутда 3-залда).

Синовлар соати — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Яшил патруль — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1, 3 ва кеч 5 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Севаман сени, ҳаёт — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Езги отпуска вақти — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Машинист поездлар ҳайдади — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Ёшлик ҳақида ҳикоялар — «ВАТАН» (кеч соат 9 ва 11 да).

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

муқовачилик цехида ишлаш учун: **шогирдлар ва ёрдамчи ишчилар**

керак

Адрес: «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 2-қават, 22-хона.

Тошкент шаҳридаги

КУЙБИШЕВ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

«Ташкенткабель» заводининг социалистик шаҳарчасида

(4-автобус боради)

УИ ОШХОНАСИ ОЧДИ

Бу ерда гўштдан тайёрланган ярим фабрикатлар: бифштекслар, лангетлар, шўрвабоп гўштлар, голубцы ва бошқалар бўлади.

Турли хил кондитер моллари тайёрланади ва ҳар хил хамир сотилади.

Уйга овқатлар берилади (баҳосидан 10 процент скидка қилиб) ва овқатларга олдиндан заказ қабул қилинади.

Уй ошхонаси эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача ишлайди.

Кўр болалар учун махсус

РЕСПУБЛИКА МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

биринчи синфдан ўн биринчи синфгача

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мактабга кириш учун кўз врачининг хулосасини тақдим қилиш лозим.

Мактабнинг адреси: Тошкент шаҳар, Генерал Петров кўчаси, 20-уй.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениеси ёзувчи-таржимон

ОДИЛ РАҲИМИЯНИНГ

4 августда тўсатдан вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26 УЙ

КОММУТАТОР —26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 09254. Нашр. Б. 182.